



## ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

Тошкент вилояти юридик  
техникуми кафедра мудири,  
юридик фанлар номзоди  
Кобилов Шухрат Рузиевич

**Аннотация:** мазкур мақолада экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан бўғлиқ бўлган қоидаларни бузганлиги учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ва унинг турлари ҳамда бу борада олимларнинг илмий ва амалий қарашлари, шунингдек, жиноий жавобгарлик масалалари назарий ва амалий жиҳатдан атрофлича муҳокама қилинган

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются гражданско-правовая ответственность за нарушение правил, связанных с экологией и охраной окружающей среды и ее виды, а также научно-практические взгляды ученых на этот счет, а также вопросы уголовной ответственности в подробно с теоретической и практической точки зрения

**Abstract:** in this article, the civil-legal liability for violating the rules related to ecology and environmental protection and its types, as well as the scientific and practical views of scientists in this regard, as well as the issues of criminal liability are discussed in detail from a theoretical and practical point of view

**Калит сўзлар:** неустойка, пеня, зарар, зарарни ундириш, мулккий йўқотиш, олинмай қолган даромад

**Ключевые слова:** ликвидация, неустойка, ущерб, взыскание убытков, имущественная потеря, упущенный доход

**Key words:** liquidation, penalty, damage, recovery of damages, property loss, lost income



Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчиларининг мажбуриятларни бажармасликдан келиб чиқадиган жавобгарликка бағишланган умумий қоидаларни бевосита табиатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятларни бажармаганда ҳам қўллаш мумкин. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бунинг натижасида келган зарарни кредиторга тўлашга мажбурдир. Зарар деб кредиторнинг қилган харажатлари, кредитор мулкнинг йўқолиши ёки бузилиши, шунингдек агар қарздор томонидан мажбурият бажарилмаган тақдирда кредитор олиш мумкин бўлган, аммо унинг томонидан олинмай қолган даромадлар тушунилади. Атроф табиий муҳитга етказилган зарар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра зарар етказган шпхс томонидан тўлиқ, ҳажимда қопланиши лозим.

Фуқаролик қонунининг умум эътиборроф этилган қоидалари табиатни муҳофаза қилиш муносабатларига оид ҳуқуқбузишлар натижасида етказилган мулккий зарарни ундириш, айбдорларни мулккий жавобгарликка тортишда ҳам бевосита тегишлидир.

Экология қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик жазо чоралари сифатида зарарни тўлаш ва неустойка қўлланилади.

Маълумки, фуқаролик қонунчилиги бўйича жавобгарлик тўғридан-тўғри етказилган зарар учун ҳам, шунингдек, зарар оқибатида олинмиши мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромад учун ҳам келиб чиқади.

Демак, зарарни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Мулкнинг йўқолиши ёки унга зиён етказитиши;
2. Олинмай қолган (агар шартнома шартлари бажарилганда олинмиши мумкин бўлган) даромад.

Мулкка зиён етказилиши унга механик ёки биологик таъсир остида уни ишдан чиқариш, бузишдир. Олинмай қолинган даромад-шартнома шартлари бузилмаганда, томонлар мажбуриятларини лозим даражада бажарганларида олинмиши мумкин бўлган қимматликлардир. Кўриниб турибдики, ушбу ҳолатларда тўғридан-тўғри зарар йўқ, аммо олинмай қолинган даромад, кутилган натижаларга эришиб



бўлинмаган. Демак, олинмай қолган даромадни олинши кутилган сумма, қимматлилик билан амалда олинган сумма, қимматлик, даромад ўртасида фарқ деб тушуниш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган ҳар бир мулкӣ зарар келтириш билан боғлиқ, ҳолатларда жавобгарлик чораси сифатида зарарни тўлаш жазоси қўлланилади. Бу жазо шартнома шартларини бузган айбдорни жазолаш ва зарар кўрган томоннинг мулкӣ ҳуқуқларини тиклашга ёрдам беради.

“Зарарни ундириш, В.Л.Хохловнинг таъкидлашига, мулкӣ жавобгарликнинг асосий, умумий шаклидир, чунки умумий қоидага биноан у асосий жавобгарлик вазифасини бажаради: зарарни тўлашда ўз мулкнинг бир қисмидан маҳрум бўлган кредиторнинг йўқотишларини компенсация қилинади, қарздорни таъминлайди”[1].

Неустойка (пеня, штраф) фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликнинг бир шакли сифатида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз вақтида ва етарли даражада бажаришни таъмин этишнинг муҳим усулларида бири сифатида қўлланилади. Агар фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик чорасисифатида зарарни тўлаш етказилган мулкӣ зиённи тўлдирса, неустойка эса шартнома мажбуриятини бузганлик учун жарима солиш ва пеня ундиришни билдиради.

Неустойка қонунда ҳам аниқ белгиланган бўлиши ёки томонларнинг келишувига биноан ҳам белгиланиши мумкин. Агар неустойка томонларнинг келишувига биноан белгиланса, у шартномада аниқ белгилаб олинши керак.

Мулкӣ жавобгарликнинг шакллари сифатида зарари ундириш ва неустойкага хос хусусиятларни Ҳ.Р.Раҳмонқулов қуйидагига тавсифлайди: Биринчидан, гарчи зарарни ундириш қонунда жавобгарлик чораси сифатида кўрсатилсада, уларнинг миқдори қоидага кўра, етказилган зарар миқдorigа боғлаб ҳисобланади ва улар исботланиши керак. Зарарни ундириш шартномада олдиндан аниқ суммада белгиланиши мумкин. У ёки бу ҳуқуқбузарлик тури учун неустойка (пеня ва жарима) қўллаш ва унинг миқдори ҳам қандай ҳолатда олдиндан қонун ва шартномада белгиланади: иккинчидан, зарарни ундириш учун умумий даъво муддати ҳаракатда бўлади; Неустойка (пеня, жарима) учун қисқартирилган даъво муддати;



Учинчидан, зарарни ундириш учун жавобгарлик асосларнинг тўла таркиби, яъни ҳуқуққа қарши ҳаракат, зарар, ҳуқуққа қарши ҳаракат билан зарар, ҳуқуққа қарши ҳаракат билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, зарар етказганнинг айби бўлишлиги талаб этилади. Неустойка шундай таркибсиз ғам ундириб олиниши мумкин.

Неустойкани ундиришда зарар ва сабабий боғланиш тўғрисида исбот талаб этилмайди, қонунга қарши ҳаракат ва қарзодорнинг айби бўлса етали[2].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқоролик-ҳуқуқий жавобгарлик фақат қрнунда кўрсатилган шарт-шароитлар вужудга келгандагина келиб чиқиши мумкин.

Бу шарт-шароитлар фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркибини ташкил қилиб, шу хилдаги жавобгарликка тортиш учун: зарарнинг мавжудлиги; ҳуқуққа қарши хулқ-атвор (мажбурияни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик); ҳуқуққа зид хулқ-атвор билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш; айбнинг мавжудлиги асосо бўлиб хизмат қилади. Экология қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик жазо чоралари атроф табиий муҳитни муҳофаза этишда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193-204-моддаларида экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу моддаларда кўрсатилган жиноий ҳуқуқбузарликлар умумий экологик талабларга риоя этмаслик оқибатида вужудга келиб, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолатини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193-моддасида экология хавфсизлигига оид норма ва талабларни бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ушбу жиноят саноат, энергетика трацеспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларини лойиҳалаштириш, жойлаштириш, қуриш ва ишга тушириб фойдаланишда белгиланган экологик нормаларни бузишдан иборат.

Мазкур экологик талабларга абъектларни жойлаштиришда шамол оқими, санитар зоналарга оид талаблар, зарарли моддаларни чиқариб тошланинг йўли кўйиладиган доиралари, объектларни экологик экспертизадан ўтказиш ёки унинг салбий хулосаси бўлган, тақдирда объектларнинг қурилиши ва ишга



туширилишининг ман этилиши киради. Ушбу моддада объектларни ишга тушириш учун қабул қилиш қоидаларини бузганлик, яъни экологик талабларга жавоб бермайдиган объектларни ишга тушириш ҳамда қабул қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган экологик ҳавфсизлик қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонунини 41-моддасида, табиий ресурслар тўғрисидаги қонунларнинг тегишли моддаларида ҳамда қонун ости актларида ўз аксини топган. Ушбу нормаларнинг моҳияти шундан иборатки, объектларни қуриш, лойиҳалаштириш, жойлаштириш, ишга тушириш фақат табиатни муҳофаза қилиш чора тадбирлари кўзда тутилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир турдаги объектлар учун аниқ экологик ҳавфсизлик талаби, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, алоҳида объект учун эса унинг қуриш лойиҳаларида ўз аксини топади.

Атроф табиий муҳитни ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 194-моддасида белгиланган. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ шундай маълумотларни тақдим этиш атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув, махсус ваколат берилган органлар, шунингдек, фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Ушбу кузатув маълумотларини, Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ва бошқа органларга берилиши шарт. Бундан ташқари, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, корхона, муассаса ва ташкилотлар фалокат ҳақида ва уни бартараф этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти ва табиатни муҳофаза қилиш органларига дорҳол хабар беришлари шарт. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуннинг 24-моддасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятлари қаторида чиқариладиган чиқиндилар ҳамда физикавий омиларнинг ҳисобини юритиш ва белгиланган тартибда статистика ҳисоботини тақдим этиш



хамда корхоналар ва транспорт коммуникацияларини таъсир доирасида атроф-муҳитга ҳамда аҳолининг саломатлигига зарарли таъсир кўрсатилишини баҳолаш кўзда тутилган. Мазкур жиноят махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахс яъни атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисида маълумотларини йиғадиган ёки йиғиш устидан назорат олиб борадиган ҳамда тегишли органларга тақдим этиш бўйича маъсул шахс томонидан содир этилади.

Ушбу моддада мазкур маълумотлар турлари аниқ қилиб қилиб берилган. Булар қаторига экологик ҳалокатлар ёки атроф-муҳитни радиацион, кимёвий ва бактериологик ифлосланиши ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотлар қиради. Мазкур жиноят атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш ёки бузибкўрсатиш оқибатида аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонларнинг қирилиб кетиши ёки бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сбаб бўлган тақдирда вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексининг 195-моддасида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чоралани кўрмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 47-моддаси олтинчи хат бошига мувофиқ атроф табиий муҳитни тиклаш унга зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганликда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 95-моддасида табиий муҳитни тиклаш, табиий захиралари қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига атроф табиий муҳитга зарарли таъсир атроф табиий муҳит сифати, аҳолининг экологик жиҳатдан ҳавфсизлиги, табиий ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлар ҳамда стандартлар билан чекланиб қўйилади.



Масалан, атмосфера ҳавосида ва сувларда ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва атроф табиий муҳит объектлари учун йўл кўйиладиган даражада тўпланиш нормативлари белгиланади. Ушбу нормативлардан келиб чиққа ҳолда, ҳар бир ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқарувчи доимий манбалар (корхона, ташкилот, уларнинг объектлари) учун йўл кўйиладиган доирадаги нормативлар белгиланади. Бундан ташқари, атмосфера ҳавосига ва сув объектларига зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқариш табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг рухати асосида амалга оширилади. Демак, атроф табиий муҳитга зарарли моддалар ва биологик организмларни рухсатсиз чиқариш ёхуд белгиланган нормативлардан ортиқ чиқаришноқонуний ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексини 79-моддасига мувофиқ, ерларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш, кимёвий ва радиактив моддалар билан ифлосланишидан, сув ва шамол эрозиясидан, шўрланишидан ва бошқа салбий тоифадаги бузилишлардан юридик ва жисмоний шахслар ҳимоя қилишлари шарт. Ушбу кодекснинг 81-моддасига мувофиқ, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиш натижасида экология ва санитария-гигиенага оид талабларга жавоб берадиган маҳсулот олиш таъминланмаётган ер участкалари қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқарилиши ва кансервация қилиниши лозим. Ерларни бузиш сифатида кейинчалик жўжалик учун фойдаланишга тўсқинлик қилувчи унинг фойдали хусусиятлари тўлиқ ёки қисман йўқотишга олиб келувчи ҳаракатлар тушунилиши лозим.

Асосан, қишлоқ хўжалиги ерлари улардан нотўғри фойдаланиш ( нотўғри суғориш, кимёвий моддаларни меъеридан ортиқ кўлаш ва бошқалар ) натижасида бузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 196-моддасида кўзда тутилган жиноят объекти ер, сув ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишдан муҳофаза қилишни белгиланган тартиби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 197-моддаси ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини



бузганлик учун жавобгарлик белгилайди. Мазкур моддада белгиланган жиноятнинг объекти ердан ва ерости бойликларидан фойдаланишнинг белгиланган тартиби. Ерлардан фойдаланиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида белгиланган.

Жумладан Ўзбекистон Республикасининг ер кодексини 40-моддасида ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасидан белгиланган мақсадларда оқилона фойдаланиши, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қуллаши, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик ва бошқамажбуриятлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 198-моддасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ушбу модданинг биринчи қисмида оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш натижасида кўп миқдорида зарар етказилса ёки бошқа бир оғир оқибатлар вужудга келса, жиноий жавобгарлика тортиш белгиланган. Бу каби жиноятларамалиётда кўплаб содир этилади. Масалан, Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги тажриба дала базасида директор лавозимида ишлаб келган А.Эрматов қонунга ҳилоф равишида туман ҳокимлиги ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатини олмай туриб тажриба дала базаси ҳудудига ўсиб турган 27 тур ҳар хил дарахтларни кестириб юборади.

Бу ҳаракати билан у давлатга 1 692 240 сўмлик зарар етказди Қуйичирчиқ туман судининг 1999 йил 29 октябр кунда ҳукмига кўра, А.Эрматов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 198-моддаси 2-қисми ва 205 модда 2 қисми билан айбдор деб топилди ва унга уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазаси тайинланди [3].

Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 199-моддасида ўсимликлар касалликлари ва зараркунандалари билан курашиш талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 200-моддасида ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки





паррандалар эпидемия (эпизоотия)сининг тарикалишига, уларни ялпи қирилиб кетишига ёки бошқа оқибатларини келиб чиқишга сабаб бўлганда жиноий жавобгарлик белгиланган.

1993 йил 3 сентябрдаги “Ветеринария тўғрисида” ги Қонуннинг 12 ва 18-моддаларида ветеринар хизмати ҳамда ҳайвонлар эгаларининг ветеринария бўйича мажбуриятлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 202-моддаси ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Ушбу модданинг биринчи қисмига муофик, овчилик, балиқчилик ёки ноёб ҳайвонларнинг ёки шифбахш озиқ-овқат ва декоратив ўсимликлардан ёхуд алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда ҳайвонот ва ўсимликлардан фойдаланиш тартиби ва шартларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мазкур жиноят, агар анча миқдорда (энг кам иш ҳақининг ўттиздан юз бараваригагача) зиён етказилса, тугалланган деб ҳисобланади. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланишнинг умумий талабларига рухсатнома асосида мақсадли ҳамда рухсатномада кўзда тутилган миқдор ва турларда фойдаланиш киради. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш республика инспекциясининг маълумотларига кўра, қонунни бузган ҳолда 45 та балиқ овлаган ҳамда 52,8 минг сўм зарар етказган Захуров.Бга нисбатан жисмоний иш қўзғатилиб, иш Мўйноқ туман судига берилган. Шу билан бирга сувга етказилган зарарни ҳам қоплаш тўғрисида даъво аризаси берилган[4].

Бошқа мисол: Қонунга ҳилоф равишда балиқ овланганлиги учун (112 дона илонбоши балиғи) ҳамда 98 минг сўм зарар етказилганлиги учун Б.Хожамуратовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 202-моддаси 2-қисмга кўра жиноят иши қўзғатилган ва етказилганзарарни қоплаш тўғрисида даъво қўзғатилган.

Ёки Қорақалпоғистон Республикаси ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш республика инспекциясининг маълумотларига кўра, ов қилиш қоидаларини бузганлик учун фуқаро Ж.Арзимовнинг жиноий иши Тахтакўпир район прокуратурасига 1999 йил 18 февралда юборилиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Шунингдек, М.Насўнбаев томонидан қонунга ҳилоф равишда ондатра



авлаганлиги ҳамда 52,5 минг сўм зарар етказганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 202-моддаси 3-қисми билан жиноий иши кўзгатилиб иш Мўйноқ туман судига оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 203-моддасида сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 204-моддасига мувофиқ, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолатини бузганлик учун жисмоний жавобгарлик белгиланган.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунда ҳар бир кўриқхона, миллий табиий боғлар, буюртмали кўриқхона, табиий ёдгорлик ва бошқа алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги низомларда акс эттирилган.

Экология қонунчилигини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193-204-моддалари санкцияларида жиноий жавобгарлик жазо чоралари сифатида энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача жарима, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш қабилар кўрсатилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Хахлов В.А ответственност по обязательствам (колхоз, совхоз, арендатор) м-юрид.лит 1990 г с 46.
2. Рахмонқулов Х.Р договорные отношения и агропромышленном комплексес т:фан 1989 г с 208.
3. Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси материаллари 2000 йил № 1.
4. Қорақолпғистон Республикаси Ҳайвонат ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш республика инспекцияси материаллари 2000 йдел № 2.
5. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 193-204-моддалари.